



**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ:
УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
(УСЛУБИЙ ЁНДАШУВ)**

Хасанова Нодира

Тошкент Кимё Халқаро университети

ORCID: 0009-0006-4249-9673

nodira12qw@gmail.com

Аннотация. Мақолада республикамизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишлар давомида “Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти” (МҲМС) лойихаси тайёрланишига тўхталиб ўтилган. Натижада, у фаолият юритаётган ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни қўллаш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Мазкур МҲМС лойихасида яратилган “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” бўйича назарий ва услубий фикрлар билдириб ўтилди ҳамда мазкур стандарт лойихасини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: умумлашган даромад, фойда ва зарар, молиявий ҳисобот, молиявий натижалар, даромад, харажат, кичик ва ўрта бизнес.

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ:
ОТЧЕТ О СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ
(МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД)**

Хасанова Нодира

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. Статья посвящена подготовке проекта «Национальный стандарт финансовой отчетности» (НСФО) в рамках перехода на международные стандарты финансовой отчетности в нашей республике. В результате он полностью обеспечивает процесс применения международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) действующими организациями и хозяйствующими субъектами. Высказаны теоретические и методические соображения по разработанному в рамках проекта НСФО «Отчёт о совокупном доходе», а также даны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию данного стандарта.

Ключевые слова: совокупный доход, прибыль и убыток, финансовая отчётность, финансовые результаты, доход, себестоимость, малый и средний бизнес.

**NATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS:
STATEMENT OF COMPREHENSIVE INCOME
(METHODOLOGICAL APPROACH)**

Khasanova Nodira

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. *The article is devoted to the preparation of the project “National Standard Financial Reporting” (NSFR) within the framework of the transition to international financial reporting standards in our republic. As a result, it fully ensures the process of applying international financial reporting standards (IFRS) by existing organizations and business entities. Theoretical and methodological considerations are expressed on the “Statement of Comprehensive Income” developed within the framework of the NSFR project, as well as scientific proposals and practical recommendations for improving this standard are given.*


Keywords: *total income, profit and loss, financial statements, financial results, income, cost, small and medium businesses.*

Кириш.

Жаҳонда фойда ва зарарлар, яъни молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг ҳисоботини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижаларни ҳисобга олишда “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш (1-сон БҲХС)”, “Фойда солиқлари” (12-сон БҲХС), “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” (1-сон МҲХС), “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” (15-сон МҲХС) ва “Молиявий ҳисобот маълумотларини ёртиб бериш ва тақдим этиш (18-сон МҲХС) стандартларида молиявий натижаларни шакллантириш, уларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олган. Олиб борилаётган тадқиқотларда молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботи бўйича халқаро стандартларини амалиётда қўллаш ва уни такомиллаштириш каби долзарб масалалар илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республикада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ишлар довомида “Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти” (МҲМС) лойиҳаси тайёрланди. Бу эса мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ни қўллаш жараёнини қўллаб-қувватлайди. Мазкур МҲМС лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (аввал Молия вазирлиги) МҲХС Фонди руҳсати билан барча ҳукулар ҳимояланган ҳолда яратилган. Лойиҳа уч қисмдан иборат бўлиб, умумий, махсус ва иловаларни ўз ичига олган ҳолда 36 та бобдан иборат. Бу дегани лойиҳа асосида жами 36 та МҲМС ишлаб чиқилганлигини билдиради.

Ушбу соҳада яқин қўшни давлатларнинг тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, масалан Қозғистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари 2013 йилдан жорий этилган (Қозғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2013 йил 31 январдаги 50-сон буйруғи, 2021 йил 22 октябрда №531-сон билан ўзгартиришлар киритилган). Мазкур МҲМС ти асосан кичик тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, улар томонидан молиявий ҳисоботларни шакллари, уларни тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилайди. Қозғистонда МҲМС таркиби: умумий қоидалар, бухгалтерия ҳисобига кириш, молиявий ҳисоботларни тузиш, ўтиш қоидалари каби 4 та бўлимдан иборат бўлиб, кичик тадбиркорлик субъектлари учун бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни тузишда жуда ҳам қулай имкониятларни берган.



1-расм. Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” стандарт лойихасининг таркиби

Манба: муаллиф томонидан шакллантирилган.

Бизнинг амалиётимизда эса, аксинча кўпроқ акциядорлик, йирик солиқ тўловчилар ва маъсулияти чекланган жамиятлар учун миллий стандартлар ишлаб чиқилган бўлсада, кичик бизнес субъектлари эътиборсиз қолиб кетган эди. Эндиликда, юқорида таъкидлаб ўтилган МХМС лойихаси яратилди ва тез кунларда муҳокамадан ўтиб амалиётга жорий этилишини кутиб қоламиз.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий натижалар ҳисоби ёки даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботларни шакллантиришда кўплаб иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан фикрларни келтириб ўтиш мумкин.

Ялпи фойда кўрсаткичига айрим иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган турли ёндошувларни кўриш мумкин, жумладан, проф. Ибрагимовнинг (2008) фикрича: “ялпи фойда олинган даромад (ҚҚСсиз) ва сотилган маҳсулот ёки тайёр маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. Ўз навбатида ялпи фойда билан маржинал даромад фарқланишга эга, маржани ҳисоблаш батафсилроқ бўлиб, унда даромаддан ўзгарувчан харажатларнинг чегирмасига тенг бўлади.

Очиловнинг (2022) фикрига кўра: “Ялпи даромад - бу ўзгарувчан ва доимий харажатларни қоплайдими ёки йўқлигини кўриш имконини берадиган муҳим кўрсаткич бўли, бунда операцион фойдани ҳисоблаш орқали корхонанинг барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда, қанча пул қолдирганлигини аниқлаш мумкин бўлади”.

Каримовнинг (2021) ёндошувига асосан: “Ялпи даромад - бу корхонанинг асосий фаолиятдан оладиган даромади бўлиб, ушбу ялпи даромад атамаси айланма ва даромад атамаларининг синоними ҳисобланади. Ялпи даромад фақат маҳсулот сотиш эмас, балки корхона учун бошқа корхоналар томонидан тўланган фоизлар, дивидендлар ёки роялти кўринишида ялпи даромад олишлари мумкин”.

Қурбоновнинг (2020) таъкилашича: “Фойда-товар ва хизматларни сотишдан олинган даромадларнинг бу товарларни сотиш харажатларидан ортиқ қисмидир. Корхоналар ва тадбиркорлик хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Фойда бозор даромади бўлиб, унинг қонун-қоидаларига биноан вужудга келади, тақсимланади ва ишлатилади”.

Холмуродовнинг (2025) таъкилашича: “Ҳозирги вақтда молиявий натижаларни ҳисобга олиш билан боғлиқ кўплаб илмий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни айримларини кўриб чиқамиз. Даставвал, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб сиёсатини қўллаш,

қийматларни баҳолаш ва тахминларни амалга оширишда маълум даражадаги субъективлик ва мулоҳазаларни ўз ичига олади. Ушбу субъективлик молиявий ҳисобот амалиётида ўзгаришларга олиб келиши мумкин, бу молиявий натижаларнинг таққосланиши ва ишончлилигига таъсир қилиши мумкин”.

Фикримизча, “Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот - бу фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобот даври мобайнида тан олинган даромад ва харажатнинг барча моддаларни ва бошқа умумлашган даромад моддаларини акс эттирадиган молиявий ҳисоботдир”.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириб бориш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш ёки кичик тадбиркорлик субъектлари уун фойда ва зарар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёзиш давомида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари учун ишлаб чиқилган “Молиявий ҳисобот миллий стандарти” (МХМС) лойиҳаси таркибидаги “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” бўйича мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил ҳамда молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва ҳисоботини тузишдаги бухгалтерия ҳисобининг усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий ҳисоботларни шакллари ва уларнинг тузилиши бўйича халқаро стандартлар билан миллий стандартлар ўртасидаги маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, боғлиқ жиҳатлари билан бирга фарқли томонларини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Халқаро ва миллий стандартлардаги молиявий ҳисобот шакллари таққосланиши

Т/ р	МХМС МХМС Фонди	БХМС Ўзбекистон
1.	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Бухгалтерия баланси
2.	Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот
3.	Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот
4.	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот
5.	Аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар	изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси..

Ушбу жадвалга асосан биз олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари таркибида ишлаб чиқилган “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номли МХМС лойиҳаси ҳақида тўхталиб, ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз. Мазкур молиявий ҳисобот миллий стандарт лойиҳасини ўрганиш жараёнида қуйидаги таклифлар берилди:

МХМСнинг номланиши бўйича:

Лойиҳага кўра: “6-боб. Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” деб номланган. Амалдаги лойиҳасида

6-боб. Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

Қўллаш доираси

6.1 Мазкур боб ташкилотдан ҳисобот даври учун ўзининг жами умумлашган даромадини яъни давр учун молиявий натижаларини умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этишини талаб этади. Мазкур бобда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиладиган маълумот ва қай тарзда тақдим этилиши белгиланган.

Бизнинг фикримизча стандарт номини “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” деб номлаш мақсадга мувофиқ. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 8 октябрдаги “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни таасдиқлаш ҳақидаги” 181-сон буйруғи 6-иловасига мувофиқлаштириш имкониятини беради. Ўз навбатида вазирлик томонидан МҲХСга ўтган корхоналар учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам бериш мақсадида яратилган намунавий Счётлар режасига ҳам мос келади. Чунки, мазкур Счётлар режасининг 8-бўлим “Якуний молиявий натижалар” номли бўлимида келтириб ўтилган счётларнинг номи “Давр учун фойда ва зарар”, “Бош ташкилотнинг эгаларига тегишли давр учун фойда ва зарарлар”, “Бошқа умумлашган даромадлар” ва “Давр учун умумий даромад” деб номланади.

Қўллаш доираси бўйича:

МҲМСни қўллашда жами умумлашган даромад билна бирга фойда ва зарар тушунчасини қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, юқоридаги номланиш ва вазирликнинг тегишли буйруғларига мувофиқлигини таъминлайди.

6.1 Мазкур боб корхона ва ташкилотдан ҳисобот даври учун ўзининг фойда ва зарарлар ҳамда жами умумлашган даромадини яъни давр учун молиявий натижаларини фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этишини талаб этади. Мазкур бобда фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиладиган маълумот ва қай тарзда тақдим этилиши белгиланган.

3. Умумлашган даромадни тақдим этиш бўйича:

Амалдаги лойихасида:

Жами умумлашган даромадни тақдим этиш

6.2 Ташкилот давр учун ўзининг жами умумлашган даромадини умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиши лозим. Бунда ҳисобот давр учун тан олинган барча даромад ва харажат моддаларини тақдим этади.

Таклиф этилаётган таҳрир:

Жами умумлашган даромадни тақдим этиш

6.2 Ташкилот давр учун ўзининг жами умумлашган даромадини фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этиши лозим. Бунда ҳисобот давр учун тан олинган барча даромад (фойда) ва харажат (зарар) моддаларини тақдим этади.

Мазкур 6-бобнинг 6.3 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.3 Фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот, агар мазкур МҲМСда бошқача талаб этилмаган бўлса, бир вақтнинг ўзида ва давр давомида тан олинган даромад (тушум) ва харажат (таннарх) моддаларининг барчасини ўз ичига олиши лозим. Мазкур МҲМС қуйидаги ҳолатлар учун ҳисобга олишнинг бошқача тартибини белгилайди:

(а) муҳим хатоларни тузатиш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар таъсирлари улар юзага келган даврнинг фойда ёки зарарининг бир қисми сифатида эмас, балки ўтган даврларга ретроспектив тузатишлар тарзида тақдим этилади (11-боб “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва хатолар” га қаранг); ва

(б) қуйидаги бешта турдаги фойда ва зарар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар улар юзага келган пайтда фойда ёки зарар таркибидан ташқарида жами умумлашган даромаднинг бир қисми сифатида тан олинади:

(i) молиявий ҳисоботда чет элдаги бўлинмани қайта ҳисоблашдан юзага келадиган бошқа фойда ва зарарлар (33-боб “Чет эл валютасидаги операцияларни ҳисобга олиш”га қаранг);

(ii) баъзи бошқа актуар фойда ва зарарлар (31-боб “Ходимларнинг даромадлари”га қаранг);

(iii) хежлаш инструментларининг ҳаққоний қийматидаги баъзи ўзгаришлар (23-боб “Молиявий инструментлар”га қаранг);

(iv) қайта баҳолаш моделига мувофиқ баҳоланадиган асосий воситалар учун қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсишидаги ўзгаришлар (14-боб “Асосий воситалар”га қаранг); ва

(v) ҳаққоний қийматда баҳоланадиган таъсир остидаги ташкилотлар ва биргаликдаги фаолият бўйича келишувга инвестицияларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар (18-боб “Таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар” ва 19-боб “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар”га қаранг);

Мазкур 6-бобнинг 6.4 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.4 Ташкилот фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда давр учун қуйидаги суммаларни тақдим этадиган сатр моддаларини ўз ичига олиши лозим:

(а) тушум.

- бошқа даромадлар
- бошқа операциялардан олинган фойда
- молиявий фаолиятдан олинган даромад

(б) таннарх

- молиявий сарфлар;
- операцион харажат
- молиявий фаолият билан боғлиқ харажат
- даромад солиғи бўйича харажат

(в) улушли қатнашиш усулидан фойдаланиб ҳисобга олинган таъсир остидаги ташкилотлар (18-боб “Таъсир остидаги ташкилотларга инвестициялар”га қаранг) ва биргаликда назорат қилинадиган ташкилотларга (19-боб “Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар”га қаранг) инвестицияларнинг фойда ёки зараридаги улуш.

(г) солиқ харажати, бундан мазкур банднинг (д), (ё) ва (ж) кичик бандларидаги моддаларга олиб бориладиган солиқлар мустасно (32.33-бандга қаранг).

(д) қуйидагиларнинг жами суммасини ташкил этадиган ягона сумма:

(i) тугатилган фаолиятнинг солиқ солингандан кейинги фойда ёки зарари; ва

(ii) тугатилган фаолият сифатидан таснифланган пайтда ҳам ундан кейин ҳам тугатилган фаолиятдаги активларнинг қадрсизланиши ёки қадрсизланишнинг қайта тикланишига (20-боб “Активларнинг қадрсизланиши”га қаранг) ва тугатилган фаолиятни ташкил этувчи соф активларнинг ҳисобдан чиқарилишига тегишли солиқ солингандан кейинги фойда ёки зарар.

(е) фойда ёки зарар.

(ё) бошқа умумлашган даромаднинг (мазкур банднинг (ж) кичик бандидаги суммалардан ташқари) характери бўйича таснифланган ҳар бир моддаси (мазкур бобнинг 6.3(б) кичик бандига қаранг). Ушбу моддалар мазкур МҲМСга мувофиқ қуйидагиларга гуруҳланиши лозим:

(i) кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланмайдиган, яъни 6.3(б) банднинг (i)–(ii) ва (iv)–(v) кичик-бандлари; ва

(ii) муайян шартлар бажарилганда кейинчалик фойда ёки зарарга қайта таснифланадиган, яъни 6.3(б)-банднинг (iii) кичик банди;

(ж) улушли қатнашиш усулидан фойдаланган холда ҳисобга олинган таъсир остидаги ташкилотларнинг ва биргаликда назорат қилинадиган ташкилотларнинг бошқа умумлашган даромадидаги улуш.

(з) жами умумлашган даромад.

Мазкур 6-бобнинг 6.5 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.5 Ташкилот давр учун тақсимлаш тарзида фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботдаги қуйидаги моддаларни алоҳида ёритиб бериши лозим:

(а) қуйидагиларга тегишли бўлган давр учун фойда ёки зарар:

(i) назорат кучига эга бўлмаган улуш; ва

(ii) бош ташкилотнинг мулкдорлари.

(б) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган жами умумлашган даромад:

(i) назорат кучига эга бўлмаган улуш, ва

(ii) бош ташкилотнинг мулкдорлари.

Мазкур 6-бобнинг 6.6 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.6 Мазкур МҲМС бўйича муҳим хатоларни тузатиш ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар таъсирлари улар юзага келган даврнинг фойда ёки зарарининг бир қисми сифатида эмас, балки ўтган дарвларга ретроспектив тузатишлар тарзида тақдим этилади (11-боб “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолари ва хатолар”га қаранг).

Мазкур 6-бобнинг 6.7 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.7 Ташкилот фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда қўшимча сатр моддалари, сарлавҳалар ва оралиқ суммаларни, агар бундай тақдим этиш ташкилотнинг молиявий натижаларини тушуниш учун ўринли бўлса, тақдим этиши лозим.

Мазкур 6-бобнинг 6.8 банди қуйидагича таҳрир қилинди:

6.8 Ташкилот фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда даромад ва харажат моддаларини бирортасини ҳам “фавқулоддаги моддалар” тарзида тақдим этмаслиги ёки тавсифламаслиги лозим.

Харажатлар таҳлили моддаси бўйича:

6.9 Қонунчилик ҳужжатларида бошқача тарзда талаб этилмаса, ташкилот фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда харажатлар характери ёки харажатларнинг ташкилотдаги функциясига асосан таснифлаш орқали, ушбу усуллардан қайси бири ишончли ва ўринлироқ маълумот тақдим этишига қараб харажатлар таҳлилини таъминлаши лозим. Бундай таҳлил фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда тақдим этилиши мумкин.

Мазкур МҲМСга 3-илова “Харажатларни таснифлаш бўйича амалий кўрсатмалар”да харажатларни таснифлаш бўйича амалий кўрсатмалар берилган.

Харажатнинг характери бўйича таҳлил бўйича:

6.10 Таснифлашнинг ушбу усули бўйича харажатлар фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда уларнинг характери бўйича (масалан, эскириш, материалларни ҳарид қилиш, транспорт сарфлари, ходимларнинг даромадлари ва реклама сарфлари) жамланади ва ташкилотдаги муайян функциясига кўра тақсимланмайди.

Харажатнинг функцияси бўйича таҳлил:

6.11 Таснифлашнинг ушбу усули бўйича харажатлар уларнинг функцияси бўйича сотиш таннархи ёки масалан, реализация қилиш ёки маъмурий харажатларга мувофиқ жамланади. Ташкилот ушбу усул бўйича камида сотиш таннархини бошқа харажатлардан алоҳида акс эттиради.

Демак, биз томонимиздан билдирилган айрим фикрлар ва таклифлар ўйлаймизки, келгусида кичик тадбиркорлик субъектлари ва бошқа субъектлар учун молиявий

натижаларни шакллантириш ва бу асосида фойда ва зарар ҳамда умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини янада осонлаштиради ва услубий жиҳатдан такомиллашувига олиб келади.

Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга бундай ёндошувнинг асл мақсади, бу ҳам бўлса молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган ёки стандартларни қўлаётган, молиявий ҳисоботлар трансформацияни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари ва корхоналар учун амалий ёрдам беришга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда МҲХС Фонди томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари ва бошқа субъектлар учун ишлаб чиқилган “Молиявий ҳисобот миллий стандарти” (МХМС) лойихаси бўйича “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот”ни назарий ва услубий жиҳатдан ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш даврида амалдаги счётлар режаси ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштириб боришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан қаралганда корхоналарда молиявий натижалар ҳисобини юритишдаги счётларни ҳисобот шакллариغا уйғунлигини таъминлаш лозим;

иккинчи, эндиликда молиявий натижаларни шакллантиришда фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар ҳақидаги ҳисобот номи билан амалдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни номланиши ва таркибига ҳам жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этмоқда. Биз томонимиздан таклиф этилган молиявий ҳисоботга тегишли фойда ва зарар элементларини киритилиши, мазкур ҳисоботдан фойдаланишни тушунишга ёрдам беради;

учинчи, аввал амалиётимизда мавжуд бўлмаган молиявий ҳисобот миллий стандартларини ишлаб чиқилиши кичик тадбиркорлик субъектлари, яъни иқтисодиётимизни кенг қатламга эга бўлган кичик бизнес учун молиявий ҳисоботларни, жумладан даромадлар ва харажатлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларни шакллантиришда меъёрий-ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади;

тўртинчи, келгусида инвесторлар учун молиявий натижалар ҳақидаги ахборотлар муҳимлигини инобатга оладиган бўлсак, айнан “Фойда ва зарар ёки бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” шакли тадбиркорлик субъектларининг ҳисобот даври ёки даврлар оралиғидаги даромад ва харажат бўйича ишончли маълумотларни ўзида акс эттиради;

бешинчи, молиявий ҳисоботларни хусусан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан фойда ва зарар ёки умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларни ўзаро таққослаш, консолидация қилиш имконияти пайдо бўлади. Корхоналарда молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтиради.

Адабиётлар / Литература / References:

Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. (2019) *Buxgalteriya hisobi. Darslik.* –Т.: “Iqtisod-moliya”, 624 b.

Авлокулов А.З. (2019) *Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш: иқтисод фан.док... дисс. автореф.* – Тошкент.

Бочаров В. В. (2016) *Инвестиции: учебник и практикум для академического бакалавриата / В. Е. Леонтьев, В. В. Бочаров, Н. П. Радковская.* – Москва : Издательство Юрайт.

Гетьман В. (2017) *Бухгалтерский учет: учебник / под ред. проф. В. Г. Гетьмана.* – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: ИНФРА-М. – 601 с.

Ефимова О. В. (2013) Анализ финансовой отчетности: учебное пособие для магистров / О. В. Ефимова [и др.]. – Москва: Омега-Л. – 388 с

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>

Қурбонов З. Мисиров К. (2020) Молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. Тошкент. Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 756 б.

МҲМС (2022) Молиявий ҳисоботнинг миллий стандарти (МҲМС). Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва МҲХС Фонди.

МҲХС 15-сон (2022) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти: Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум. Расмий таржима.

Очилов И., Ризаев Н., Калонов М. (2022) Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. (номутахассисликлар учун) Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 272 б.

Савицкая Г. В. (2014) Анализ хозяйственной деятельности предприятия : учебное пособие / Г. В. Савицкая – Москва : ИНФО. – 377с.

Ташназаров С. (2023) Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, - 580 бет.

Холмуродов О. (2025) Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқт фан бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дараж олиш учун бажар. дисс авт. Тошкент. 57 б.